

## “СЎЗ”-АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИДА

**Мунира Валиева**

Янгиқўрғон туман 2-сон касб-ҳунар мактаби ўқитувчиси

“Сўз – либос, маъно – унда яширин асрор” (Жалолиддин Румий). Бу ҳақда Навоий ғазалларининг бирида шундай дейди: *Лабидин айру тушуб сўг учун китобатдин, Не тонг, либосин агар мушкфом қилди ҳадис. Байт мазмуни шундай: “Ёр лабидан айр(у)о тушгани боис мотам(сўг)да бўлган сўз ёзувда либосини қора қилган бўлса, ажабланиш керак эмас. Чунки у ёр лабларидан айрилиқда”.*

Бир қарашда, луғавий концептнинг семантик структураси абсолют даражада идрок этилмаслиги ҳам мумкиндек. Лекин ҳар ҳолда мушоҳадалар орқали концептга хос семиотик қурилма шаклланиб боради.

Румий таъбири билан айтиладиган бўлса: *“Ҳар нечук маҳрумийат – муяссарийат. Ҳар нечук муяссарийат – маҳрумийатдир”.* Инсон онгида лисоний ном олиш ҳуқуқидан маҳрум ментал тузилмалар бўлмаганидек, бирор бир тушунча ёки концептни ифодалаш қудратига эга бўлмаган тил бирлигининг ўзи ҳам йўқ. Шунинг билан биргаликда, лисоний номлаш тизими ва ментал тузилмалар тизими тўлиқ изоморфлик (бир-бирини айнан такрорлаш, бир хиллик) хусусиятидан холи. Бироқ тафаккур ва тил қанчалик мустақиллик, алоҳидалик сифатига эга бўлмасин, бир-бирини тақозо этувчи ҳодисалардир.

Диний талқинда “сўз ҳалоллиги” тушунчаси ҳам мавжуд, яъни сўз фақатгина Пайғамбаримизгагина ҳалол қилинган экан. Фақат бир зотгагина ҳалол қилинган сўз бу Аллоҳнинг каломидир.

Хўш, сўз калимасини ҳазрат Навоий қандай таъриф-тавсиф этади-ю, унинг моҳиятида қандай тушунчалар қўр тўкиб ётади. “Маҳбубул-қулуб” асарининг айрим танбеҳларида сўз ва унинг соҳиби, сўз қудрати, мулоийм сўзлилиқ, шин сўзнинг афзалликлари, ёлғон сўзнинг зарари ҳақида ибратли фикрларни келтиради.

Алишер Навоийнинг деярли барча асарларида тилга олинган, бироқ “Маҳбубул-қулуб”да тўлақонли ва изчил баён этилган “сўз” концепти доирасидаги нутқ одоби ҳақидаги қарашлари ўзбек миллий мулоқот ҳулқининг барча жиҳатларини ўзида мужассам этган, дея оламиз. Нутқ одоби баён қилинган жумлалар нутқий

этикет даражасидаги халқ ҳикматлари, миллий характер намоён этувши афоризмлардан саналади. Масалан: Бефойда сўзни кўп айтма ва фойдалиғ сўзни эшитурдин қайтма; Чин сўзни ёлғонга чулғама, чин айта олур тилни ёлғонга булғама; Ёлғончи киши эмас, ёлғон айтмоқ эранлар иши эмас; Оқил чиндин ўзга демас, аммо барча чинни ҳам демак оқил иши эмас. “Маҳбубул-қулуб” асаридаги 127 танбеҳдан 12 тасида сўз концепти доирасидаги мулоҳазалар баён қилинган. Айрим фикрлар баъзи матнларда қайтарилгандек гўё, лекин бу каби стереотип такрорлар гарчанд аввалгиларига ўхшасанда, айнан бир мулоҳазанинг такрори эмас, балки бошқа тасаввур, бошқа мушоҳада ва бошқа ифода кўринишида бўлади.

Шу ўринда таъбир жоиз бўлса, шарқ мутафаккири айтганидек, “... муқаллид(тақлид қилувчи) менинг сўзларимни на такрор эта олур, на уларга пайров қила олур. Улар мавҳум ва мураккаб. Мен уларни юз карра айтгум, ҳар гал янги бир маънони аён этгум. Лекин асосий маъно ҳеч кимга аён бўлмагай, дахлсиз ва мусаффолигича қолгай”. Назаримизда, ана ўша ҳеч кимга аён бўлмаган, дахлсиз ва мусаффо бўлган асосий маъно сўз концептосферасининг биз учун қоронғу қисмидан жой олганлиги бор гап.

Таъкидлаш керакки, ахлоқий, этик ҳикмат ва дидактик характердаги мазкур асарда кўпинча сўз концептининг фрейм структурасида сўз воқелигидаги нутқ, нутқ жараёни ва унинг натижаси ҳақида, сўзнинг ижтимоий-функционал жиҳатлари ҳақида фикр юритилади. Бунда мулоқотнинг фаол ва нофаол иштирокчиларига муносабат нуқтаи назари ифодаланади, сўзнинг моҳият эмас, балки ҳодиса сифатидаги хоссалари баён қилинади. Бунда сўз концептининг универсал маданий белгилари таъкидланади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. [www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com) кутубхонаси.
2. Қуръони Карим ва ўзбек тилидаги маънолар таржимаси. – Тошкент: Ҳилол-Нашр, 2018. – Б.445.